Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 15-fevral, shanba, 20 (23.300)-son

Кун ҳикмати

Алимент тўлашдан қочган отанинг фарзандсиз отадан фарқи бўлмайди

Ҳоким ваъдасининг устидан чиқди

Энди ёшлар ишончни оқлайдими?

Шу йил 3 январь куни вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов "Ҳоким ва ёшлар" учрашувида долзарб муаммоларга ечим топишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу борада ёшларнинг иштирокини таъминлаш яхши самара беришини таъкидлаганди.

Жамиятимизда учраётган муаммоли ҳолатларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиб, фаол бўлишини таъминлаш мақсадида қалби қайноқ, юрагида ватанпарварлик туйғуси жўшган 50 нафар ёш йигит-қизни замонавий телефон аппарати билан таъминлашга ваъда берган эди.

Кеча Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида ўтказилган тадбирда 50 та замонавий телефон аппарати ёшларга тақдим этилди. Энди бу шижоатли ёшлардан йўлларида учрайдиган муаммоларга бефарқ бўлмаслик, бор иқтидорларини ишга солиб, камчилик ва нуқсонларни тезкорлик билан жойида ёритиб бориш талаб этилади ва албатта, ҳар бир масъул раҳбар бу муаммоларни вақтида бартараф этиш чорасини кўради.

- Бугун сараланган, жамиятдаги муаммоларга бефарқ бўлмаган ёшлар сафида эканимдан мамнунман, - дейди Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали талабаси Жамолиддин Имомназаров. – Бизга вилоят ҳокими томонидан берилган замонавий телефон аппарати билан бирга зиммамизга катта масъулият юкланди. Жамоатчилик назоратини кучайтиришга ўз ҳиссасини қўшадиган ёшлар сафи кенгайиб борса, муаммолар камайишига эришамиз.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Имом Мотуридий илмий мероси

Самарқандда ўтаётган ҳафталикда тарғиб қилинмоқда

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, вилоят ҳокимлиги ва вилоятдаги олий таълим муассасалари ҳамкорлигида буюк мутафаккир, калом илмининг асосчиси Имом Мотуридий таваллудининг 1150 йиллиги муносабати билан алломанинг ҳаёти ва илмий мероси тарғиботига бағишланган ҳафталик ўтказилмоқда.

Ана шундай тарғибот тадбирларидан бири Самарқанд давлат университетида бўлиб ўтди. Унда марказ илмий ходимлари, университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

- Марказимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари натижасида 2019 йилда Миср Араб Республикасидан аллома қаламига мансуб қатор асарлар, яқинда эса Туркиянинг Мармара университети илоҳиёт факультетидан 18 жилдлик "Таъвилотул Қуръон" асарининг турк тилидаги таржимаси олиб келинди, - дейди Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Шовосил Зиёдов. - Тадбирда мазкур асарлар ва марказ илмий ходимлари томонидан «Жаҳолатга қарши маърифат» рукни остида нашр этилган "Самарқандлик алломалар", "Алоуддин ал-Усмандий ас-Самарқандий", "Иброҳим Саффор Бухорий", "Имом Бухорий мажмуаси китоб-альбоми", "Имом Бухорий - муҳаддислар султони" номли китоблар тақдимоти ҳам ўтказилди. Тарғибот тадбирлари доирасида марказ томонидан нашр этилган китоблар ҳадя қилинади.

Тадбирда жорий йилнинг 3-5 март кунлари Самарқандда ўтказилиши режалаштирилган "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусидаги халқаро анжуман ва унга тайёргарлик жараёнлари ҳақида маълумотлар берилди.

Зоҳир ЮСУПОВ.

2020 МУРОЖААТНОМА

Раҳбарлар ўз ҳудудларида яратилган тадбиркорлик субъектлари ва янги иш ўринлари бўйича баҳоланади.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Вилоят ҳокимлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан **шу йил 27-29 февраль кунлари** Самарқанд шаҳрида вилоят ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтади.

"Маҳсулот ишлаб чиқариш тадбиркорлиги учун катта имконият" шиори остида ташкил этиладиган мазкур ярмаркада:

- *B2B музокаралар;*
- *келишувлар;*
- *шартномалар;*
- *тренинглар;*
- *тақдимотлар;*
- *start-ирлар ташкил этилади.*

Ярмаркада фаол иштирок этинг ва янги маҳсулотлар билан танишинг, ўзингизга янги ҳамкорлар танланг!

Манзил: Самарқанд шаҳри, Даҳбед кўчаси, 18-уй. Самарқанд педагогика ва сервис касб-ҳунар коллежи спорт мажмуаси.

Мурожаат учун электрон манзиллар -

web-sayt: sn.chamber.uz,
telegram: t.me/snchamber,
facebook: com/SSP.SAMARQAND

Бу мавзуда гап очиш бироз нозик бўлиб қолди. Чунки кейинги пайтда "кўп гўшт еяётганимиз", "гўшт нархининг осмонга чиқаётгани" тренд мавзуларга айланди.

Пахтачилик фермердан БАЛИҚЧИЛИК бўйича «мастер-класс»

Одатда, гўшт ҳақида гапирилганда асосан қорамол ёки қўй-эчки гўштини тушунамиз ва шу ҳақда баҳс-мунозарага киришиб кетамиз. Чорва туёқ сонининг камайиб бораётгани, хориждан наслли мол келтириб боқиш ёки "осонгина" гўштни четдан экспорт қилиш кераклигини айтиб, "билимдонлик" қиламиз.

Парранда ёки балиқ етиштиришни кўпайтириш орқали ҳам аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳақида кўпчилигимиз ўйлаб кўрмаймиз. Гўёки бу – қийин иш, мураккаб соҳа. Тўғри, товуқ, балиқ парваришлаш мол ёки қўй боқишдек осон эмас. Лекин қайси юмуш осон кечган? Ҳар қандай янги соҳа, тармоқда ишни йўлга қўйиб олиш силлиққина кечмаган. Муаммо ечими айрим, баъзида, кўплаб тўсиқларни енгишни, қаршиликларни бартараф этишни тақозо этади.

ПАХТАЧИДА БАЛИҚЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНСА БЎЛАДИ

– Билмаган одам учун балиқчилик ростдан ҳам мураккаб соҳа, – дейди Пахтачи туманидаги "Балиқ ал-Саид" фермер хўжалиги бошлиғи Дилшод Каримов. – Ўзим бошимдан ўтказганман, қурувчиликдан балиқчилик соҳасига ўтиб ишлаш осон бўлмаган. Сердаромад ишлигини эшитганман, кўрганман. Аммо қийинчиликларни кўрмасангиз ва уларни енгиб ўтмасангиз, сиз эшитган даромад ҳам, манфаатдорлик ҳам орзу бўлиб қолаверади. Балиқчиликда иш бошлаганимдан кейин шу соҳа билан шуғулланаётганлардан маслаҳат олдим, уларнинг тажрибаларини ўргандим. Лекин ҳар куни улардан сўрайвермайсиз-ку. Шунинг учун балиқчилик бўйича китобларни ўқидим, ўзимизнинг балиқчилар билан бирга чет элликлар тажрибасини ўргандим. Россияда шу йўналиш бўйича олий ўқув юртида сиртдан ўқишимга ҳам тўғри келди. Ва бугун йигирма йиллик тажрибага эга балиқчи сифатида шу соҳа бўйича озми-кўпми тушунчам бор. Балиқчилик билан шуғулланиш мен учун энди иш бошлаган пайтларимдаги каби жуда мураккаб иш эмас.

Пахтачи асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Балиқчилик туман учун ҳали мукаммал эгалланмаган янги соҳа, дейиш ҳам мумкин. Шунга қарамай ҳозирда бу ерда 26 та балиқчилик хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар тасарруфида 312 гектардан кўпроқ ер майдони, жумладан, 130 гектар ҳудудни эгаллайдиган сунъий сув ҳавзалари мавжуд. 2019 йилда Пахтачи давлат ўрмон хўжалиги балансидаги, сизот сув таъминотига эга 84,6 гектар ер майдони Пахтачи туман ҳокимлиги захирасига олинди ва бу ерларда балиқчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди. Айни пайтда ушбу майдонда ярим интенсив ва интенсив сунъий сув ҳавзалари ташкил этилмоқда.

2-саҳифа »»

Кичик саноат зонасида ШАРОИТ ЙЎҚ

тадбиркордан маҳсулот талаб қилиш ўринлими?

Президентимизнинг 2018 йил 16 мартдаги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги қарори билан вилоятимизда 17 та кичик саноат зонаси ташкил этилган эди.

Ушбу қарорга кўра, вилоятдаги кичик саноат зоналарини узлуксиз электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, йўллар қуриш ишлари бажарилиши белгиланган. Хўш, ўтган вақт давомида вилоятимиздаги кичик саноат зоналарида қандай лойиҳалар жойлаштирилди, тадбиркорлар коммуникация тармоқлари билан таъминландими?

- Ҳозир вилоятимизда 17 та кичик саноат зонаси бор ва улар бош режа асосида фаолият юритмоқда, - дейди вилоят иқтисодиёт ва саноат бошқармаси мутахассиси Рамзиддин Файзиев. – Кичик саноат зоналари учун жами 80 гектар ер майдони ажратилган ва унинг 42,7 гектари фойдали майдон ҳисобланади. Шу кунгача кичик саноат зоналари бўйича 671 миллиард 896,4 миллион сўмлик 104 та лойиҳа тасдиқланган бўлса, шундан 2019 йилда 196 миллиард сўмлик 54 та лойиҳа ишга туширилиб, 42,5 миллиард сўмлик, 2020 йил январь ойида 9,5 миллиард сўмлик 71 турдаги маҳсулот тайёрланди. Ишлаб чиқариш майдонлари барчаси йўл ва ичимлик сув тармоғи билан таъминланган, 15 таси табиий газ тармоғига уланган, учтасида канализация мавжуд, иккитасида трансформатор таъмирланиши режалаштирилган. Ҳозирда эса саноат зоналарининг 23,7 гектарига мос таклифлар ўрганилмоқда.

Мисол учун, Булунғур туманида собиқ "Килдон" акциядорлик жамиятининг бўш турган бино-иншоотлари ва фойдаланилмаётган 7,5 гектар ер майдони 1106 квадрат метр бино-иншоотлар негизида кичик саноат зонаси ташкил этилган. Туман ҳокимининг қарори асосида ҳудудга 1 та 250 кВтли трансформатор пункти қуриш ва 10 кВ кучланишли 1 километр электр тармоғи тортиш, ичимлик суви, автомобиль йўллари қуриш режалаштирилган. Лойиҳада 250 кВтли трансформатор ўрнатилиши белгиланган бўлса-да, бу ерга 160 кВт трансформатор, 7 та таянч устунлари ўрнатилган ва саноат зонасига кириш қисмидаги 16 метр кириш йўли таъмирланган.

Кичик саноат зонасидан ишлаб чиқариш жараёнларидан сурат олишни мўлжаллагандик. Бирок...

- Кичик саноат зонасида қиймати 4 миллион 570 минг доллар бўлган 8 та лойиҳа жойлаштирилди, - дейди туман иқтисодиёт ва саноат бўлими бошлиғи Аслиддин Пўлатов. – Ҳозиргача 2 та лойиҳага 123 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Аммо кичик саноат зонасида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳаларининг йўқлиги боис зона ҳудудидаги 4,1 гектар ер майдони бўш қолмоқда.

Бу расмийларнинг маълумотлари эди. Хўш, аслида кичик саноат зонасидаги ҳолат қандай?

- Фақат лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш учун 20 миллион сўм маблағ сарфладик, - дейди "Шоҳжаҳон ЖСД" фермер хўжалиги иш юритувчиси Дилбар Жалилова. – Бизга шу ҳудуддан 0,50 гектар ер ажратилган ва бу ерда 300 тонналик музлаткичли омборхона қуриш учун хорижий кредит линияси орқали 83,5 минг доллар кредит олдик. Шу маблағ эвазига Хитойдан ускуна олиб келдик. Божхонада эса ускуналарнинг сақланган ҳар бир куни учун килограмига 7 минг сўмдан маблағ сарфладик. 200 миллион сўм ўз маблағимиз ҳисобидан бино қурдик. Омборхонамиз ўтган йили декабрь ойида тайёр бўлгани учун ҳали маҳсулот сақлашни бошламадик. 2020 йилда эса узум қуритиш линиясини қурмоқчимиз. Аксарият лойиҳалар табиий газ билан боғлиқ бўлса-да, бу ерда газ йўқ, сув масаласи ҳам анча қийин, электр энергияси таъминотида ҳам тез-тез узилиш кузатилади. Шундай бўлгач, қайси тадбиркор таваккал қила олади.

"Даврон-1" масъулияти чекланган жамияти ҳам истиқболни кўзлаб саноат зонаси ҳудудидан 60 сотих майдонда ёғочни қайта ишлаш цехи ва 260 тонналик музлаткичли омборхона қуриш ишларини олиб борган. Бино қурилиши учун 400 миллион сўм ўз маблағи ва "Туронбанк" вилоят филиалининг 50 минг долларлик сармояси ҳисобидан 2019 йил октябрда омборхона ишга туширилган.

- Омборхонани ишга туширгач, шартнома асосида 40 тонна олмани қабул қилдик, аммо энди пушаймон бўляпмиз, - дейди жамият иш юритувчиси Даврон Пирманов. – Чунки бу ерда сув қийин, аҳоли тармоғига уланган электр линиясида гоҳида 2-3 соатлаб узилиш бўлади. Ҳозиргача сақлаш учун қабул қилган маҳсулотимизнинг 3-4 тоннаси чириди, энди мижозларга камомадни тўлаб беришимиз керак...

Тумандаги кичик саноат зонасида энг яхши лойиҳалардан бири "Колибри" масъулияти чекланган жамияти томонидан 1 гектар майдонда амалга оширилаётган резина шиналарни қайта ишлаш ва каучук резина плиткалар ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳисобланади.

- Бу лойиҳани россиялик ҳамкорларнинг 280 минг долларлик сармояси ва ўз маблағимиз ҳисобидан амалга оширяпмиз, - дейди жамият раҳбари Расул Эсанбоев. – Ишлаб чиқарадиган маҳсулотимиз стадионлар, болалар майдончаси, югуриш йўлаклари, уйларнинг том қисмини ёпиш, йўлакларга тўшама сифатида ички бозорга ва экспортга мўлжалланган. Режага кўра, жорий йилнинг иккинчи чорагида ишга туширишга белгиланган корхонанинг пойдеворини қуряпмиз ва бунинг учун қарийб 400 миллион сўм сарфладик. Коммуникация тармоқлари йўқ, аҳолининг линиясига уланган трансформатордан ўз маблағимиздан 15 миллион сўм сарфлаб, 5 та таянч устун ўрнатдик ва электр тармоғи тортиб келдик. Ишлаб чиқариш учун етарли шароит йўқ жойга маблағ сарфлайвериш ҳар қандай таваккалчи тадбиркорни ҳам фикридан қайтариши турган гап. Режага кўра, 2023 йилгача шу ерда чиқиндини қайта ишлаш лойиҳасини ишга тушириб, жами 40 та иш ўрни яратмоқчи эдик. Аммо газ, электр ва бошқа тармоқларсиз буни қандай амалга ошириш мумкин?

Мана сизга Булунғур туманидаги кичик саноат зонасидаги ҳақиқий ҳолат. Аслида фақат Булунғурда эмас, вилоятимизнинг аксарият туманларидаги кичик саноат зоналарида ҳам коммуникация билан боғлиқ камчиликлар бор ва бу тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришига тўсиқ бўлмоқда. Биз туманда бўлганимизда вилоят кичик саноат зоналари дирекцияси масъуллари ҳам шу ерда бўлиб камчиликларни ўрганаётган экан. Ўйлаймизки, масъулларнинг саъй-ҳаракати билан ишлаб чиқариш майдонларидаги тадбиркорларни қийнаётган муаммолар ўз ечимини топади.

Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Зарафшон" мухбири.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг ҚАРОРИ

ВИЛОЯТДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИНГ ОЛИБ ҚЎЙИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурлари доирасида кўплаб ижтимоий-маданий объектлар, давлат хизматлари кўрсатиш марказлари ҳамда маъмурий бинолар янгидан барпо этилмоқда.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги Саммитини ўтказишга тайёргарлик кўриш, Самарқанд туристик мажмуасини ташкил этиш, Имом Бухорий мажмуаси атрофини ободонлаштириш, замонавий бино ва иншоотлар қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳудудларни ободонлаштириш, архитектура қиёфасини ўзгартириш ҳамда яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг турар ва нотурар жой объектларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун 2019 йилда ва 2020 йилнинг январь ойида олиб қўйилган ер участкалари, турар ва нотурар жой объектлари бўйича мулкдорларга компенсация тўловлари мулкнинг бозор қиймати ва мулкдорнинг розилиги асосида амалга оширилиши таъминланди.

Келгусида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш ва бу борадаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5490-сонли фармони, 2019 йил 3 августдаги "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ф-5491-сонли фармойиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 911-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари вилоят Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш учун 2019 йилда "Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган Ҳудудий жамғарма"дан 1-иловага мувофиқ маблағлар ажратилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 августдаги "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ф-5491-сонли фармойиши асосида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан (26.09.2019 й №05/1-2579, 25.11.2019 й №05/1-2579 ва 28.12.2019 й №05/1-2579-сонли хат билан) 2-иловага мувофиқ кўчмас мулк объектлари бузилишига розилик берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгиланганки, бузилишга тушган объектлар бўйича мулкдорларга етказилган зарар ўрни уларнинг розилиги асосида олдиндан ва тўлиқ қопланмагунга қадар объектларда бузилиш ишлари амалга оширилмайди.

2. Ҳудудий жамғарманинг Кузатув кенгаши (Ж.Ўроқов):

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги "Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 1047-сонли қарори билан тасдиқланган низомда белгиланган тартибда бузилишга тушган объектларга жамғарма маблағларини ажратилишини;

жамғарма маблағларини доимий равишда шакллантириб бориш ва улардан самарали фойдаланилишини таъминласин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров)га:

бўлажак қурилиш объектларининг лойиҳа ҳужжатларини Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 911-сонли қарори билан белгиланган тартибда халқ депутатлари вилоят Кенгашига киритиб бориш;

ер участкаси олиб қўйилиши ташаббускори ва кўчмас мулк объектлари мулкдорлари ўртасида тузилган, компенсация миқдори, тури ва бериш муддати назарда тутилган келишувлар ҳисобини юритиш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ўроқов, А.Шукуров) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Э.ТУРДИМОВ**

2020 йил 5 февраль
№11/2

Таҳририятга жавоб берадилар

Ҳақиқат истеъмолчи томонида

«Зарафшон» газетасининг 2020 йил 4 февралдаги 15-сонида чоп этилган "МИБ. "Энергосотиш". Истеъмолчи. Ҳақиқат учбурчакнинг қайси томонида?" сарлавҳали мақола Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

МИБ
Энергосотиш
Истеъмолчи

Мақолада Самарқанд туманида яшовчи фуқаро Қ.Миромов 2013 йил 23 сентябрда Самарқанд шаҳар энергосотиш бўлимининг икки нафар назоратчиси қизи ва куёви яшовчи хонадонда ўрнатилган электр ҳисоблагич базада мавжуд эмаслигини рўкач қилиб, асоссиз равишда 2 миллион 312 минг 640 сўм жарима қўллаганини маълум қилган.

Ҳақиқатан ҳам собиқ "Сиёб энергосотиш" бўлими ходимлари томонидан тузилган далолатномага асосан Қ.Миромовнинг куёви М.Юсупов асоссиз равишда маъмурий жаримага тортилган.

Ушбу даъво аризаси асосида таъминотчи корхонанинг қарори қонунийлиги фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида кўриб чиқилиб, суднинг 2019 йил 4 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан шаҳар (собиқ Сиёб) энергосотиш бўлими ходимларининг далолатномаси ноқонуний деб топилиб, маъмурий жарима бекор қилинган.

2020 йил 6 февралда МИБнинг Самарқанд шаҳар бўлими ходимлари томонидан М.Юсуповнинг хонадонида ўтказилган хатловда МА 110 Р (PLC) №021190204356-сонли янги автоматлаштирилган электр ҳисоблагич ўрнатилганлиги ва "Электр-ҳисоб" дастурида 2020 йил 31 январь ҳолатига кўра электр энергиясидан 1 миллион 201 минг 240 сўм олдиндан тўлови борлиги аниқланди.

А.ЗАКИРОВ,
Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси бошлиғи.

БУ – ФАКТ

2019 йилда кичик тадбиркорлик хизматлари ҳажми **8724,8** миллиард сўмга етди ва **2018** йилнинг мос даврига нисбатан **1303** миллиард сўмга ошди.

ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ЎРМОН ЎРНИДАГИ СУВ ҲАВЗАСИ – ТАЖРИБА-АМАЛИЁТ МАЙДОНЧАСИ

"Балиқ ал-Саид" фермер хўжалиги ҳам мазкур ҳудудда балиқчилик соҳасини интенсивлаштириш бўйича изланишлар олиб бормоқда.

– Энди шу соҳа бўйича орттирган тажрибамни бошқаларга ўргатишим керак, биз йўл қўйган хатоларни бугун иш бошлаётган фермерлар такрорламаслиги зарур, – дейди Дилшод Каримов. – Шунинг учун телеграмда балиқчилик соҳасидаги савол-жавоблар гуруҳини ташкил этганмиз. Энди иш бошлаётган балиқчиларга ўз тажрибаларимни ўргатаман, маслаҳат ва тавсиялар бераман. Бундан ташқари, шу пайтгача ўрмон хўжалиги ҳисобида бўлган ерларда 4 гектар тажриба-амалиёт майдончаси ташкил этяпмиз. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган маҳаллий суюлтирилган тоза кислород ёрдамида интенсив ҳавзаларга креоген идишлар ва кислород конуслар ўрнатиб, оксигенация тизимини жорий қилиш устида изланишлар олиб боряпмиз. Оксигенация тизимидаги тажрибалар кутилган самара берса, ушбу тизимни туманимиз ва вилоятимиз балиқчилик хўжаликларида жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқамиз. Хўжалик ҳудудидаги инкубация цехини такомиллаштириб, Вьетнам давлатидан келтирилган наслли балиқлар селекцияси йўлга қўйилмоқда.

Туманимизда балиқчилик кластерини ташкил қилиш бўйича ҳам иш олиб боряпмиз. Кластерда 500 тонна балиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех ва музлаткич камералари қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, омухта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, соҳада озуқа танқислиги муаммосига барҳам бермоқчимиз. 650 минг долларлик экспорт лойиҳамиз мавжуд.

СОҲА РИВОЖИГА ТЎСИҚ БЎЛАЁТГАН МУАММОЛАР НИМАДА?

Фермер яқин истиқболга мўлжалланган режалари билан бирга соҳа ривожидаги айрим камчилик ва муаммоларни қайд этиб, уларнинг ечимлари ҳақида таклифларини билдирди.

– Бугунги кунда республикамиздаги мавжуд сунъий сув ҳавзаларида фаолият кўрсатадиган хўжаликларнинг қарийб 70 фоизи самарасиз ишламоқда, – дейди Д.Каримов. – Бу, аввало, янги технологияларга таяниб қурилган интенсив ҳавзалар камлиги билан боғлиқ. Шунингдек, кўп ҳолларда сунъий сув ҳавзалари учун ер майдонлари геологик қатлам ва сув таъминоти ўрганиб чиқилмасдан ажратилмоқда. Сув ҳавзалари балиқ етиштириш технологик жараёнлари ва регламент талабларига жавоб бермайди. Бундай хўжаликларда балиқ турлари, наслчилик ва чавоқ балиқлантириш тўғри йўлга қўйилмаган. Балиқ ем-озуқаси ҳам рацион бўйича ишлаб чиқарилмаяпти. Сувни ўғитлаш, сувдаги кислород миқдори ва Ph кўрсаткичлар нормалари назорат қилинмаяпти. Ўз тажрибам ва кузатувларимга таяниб юқоридаги муаммо ва камчиликлар ечимлари бўйича ҳам таклифларим бор.

Биринчидан, сунъий сув ҳавзалари учун ажратиладиган ер майдонлари, аввало, балиқчилик соҳаси мутахассислари, ер кадастр, сув ирригация тизими ходимлари томонидан геологик ва гидрогеологик ўрганилиб, уларнинг хулосаларини олиш лозим.

Иккинчидан, сунъий сув ҳавзалари ва интенсив ҳавзалар балиқчилик соҳаси мутахассислари билан биргаликда лойиҳа асосида ташкил этилиши керак. Технологик жараёнларга таянган ҳолда сунъий сув ҳавзалари ҳар йили бир маротаба қуритилиб, дренаж ариқлари тозаланиши ва оҳакланиши, гўнг сепилиб техника билан ҳавза туби ағдарилиши мақсадга мувофиқ. Бу жараён ҳавзада бентосни ривожлантириш ва ҳар хил замбуруғ споралари, паразит қисқичбақасимонлар цисталаридан тозалашга ёрдам беради. Агар ҳавза нотўғри қурилган ва туби ер ости сувларига уланиб кетган бўлса бу профилактик тадбирларни бажариб бўлмайди.

Ҳавзаларда сув олиш учун тинитиш ва фильтрлаш ҳавзачалари қурилиши жуда муҳим. Бу сув таркибидаги оғир металлар, альдегидлар ва заҳарли элементларнинг асосий ҳавзага киришининг олдини олади. Кирувчи сув шандорларига эса бегона балиқлар личинкалари ҳам ўтмайдиган сита-газ фильтрлар ўрнатилиши зарур.

Учинчидан, хўжаликларимизни балиқлантиришда балиқ тури, насли ва сони катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда ушбу масалада кўплаб хатоликларга йўл қўйилмоқда.

Тўртинчидан, балиқ ем-озуқаси рацион бўйича хўжаликларнинг ўзида тайёрланса самарали бўлади. Бугун кўплаб хўжаликларда балиқ фақат буғдой билан боқилмоқда. Бу эса рационда углеводларнинг кўплиги таъсирида балиқнинг нормал ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

Бешинчидан, "Балиқсаноат" уюшмаси таркибида туманларда сувнинг кимёвий таркиби, кислород, Ph кўрсаткичлари ва емнинг протиен миқдорини ўлчайдиган кичик лабораториялар ташкил қилиниши лозим.

БАЛИҚ ГЎШТИ АРЗОНМИ?

Бугун бозорда бир кило балиқнинг нархи 20-40 минг сўм, мол ёки қўй гўштининг нархи 50-60 минг сўм эканлигини ҳисобга олсак, тафовут яққол кўриниб турибди. Балиқ гўштининг саломатлик учун, айниқса, болаларнинг соғлом ва тўғри ўсиши учун ғоят муҳим эканлигини эътиборга олсак, бу – кони фойда. Аммо яна ўша гап – гўшт деганда фақат мол ёки қўй гўштини тушуниб, шу маҳсулотни сотиб олишга ҳаракат қилмасдан, гоҳ-гоҳ эмас, тез-тез балиқ харид қилишга одатлансак, овқатланиш рационимиздан ушбу неъмат ҳам ўрин олса, бугун учраётган айрим моддий ва маънавий камчиликларга ечим топилган бўлармиди?..

Ғолиб ҲАСАНОВ,
Алишер ИСРОИЛОВ (фото).

Пахтачилик фермердан БАЛИҚЧИЛИК бўйича «Мастер-класс»

Меҳнат мигрантларига уй берилади

Кимлар олиши мумкин?

Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп квартирали уйлардан хонадонлар ажратиш тартиби белгиланди.

Тартибга мувофиқ, уй-жойлар имтиёзли ипотека кредити асосида ҳар йили туман (шаҳар)лардан белгиланган тартибда ажратилади.

Уй-жой ажратиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Ариза берувчи талабгор сифатида "labor_migration" дастурий мажмуасидан рўйхатдан ўтиши керак.

Ушбу дастурдан рўйхатдан ўтиш учун ариза берувчи Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ёки унинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари лозим бўлади.

Ариза берувчи ким?

Бу – уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигранти ёки унинг номидан оила аъзоси (отаси, онаси, фарзанди, ака-укаси, опа-синглиси) ҳисобланади.

Шаффофликни таъминлаш мақсадида дастурда рўйхатдан ўтган фуқаролар www.labormigration.uz расмий веб-сайтида доимий эълон қилиб борилади.

2. Ариза берувчи ёзма тавсияни олиш учун талабгорларни танлаш бўйича комиссия раисига доимий яшаш жойи бўйича ҳужжатларни ва сўровнома-аризани тақдим этади;

Комиссия ҳужжатларни 15 иш кунида кўриб чиқади. Комиссия аризани кўриб чиқишда уй-жой шароитини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларини қатор ижтимоий мезонлар асосида (талабгор номида уй-жой йўқлиги, ижарада туриши, бошқа оила билан бир уйда яшаши, кўп болалилик) аниқлайди.

Аризани кўриб чиқиш ва уй-жой шароитини ўрганиш натижасида комиссия ёзма тавсия бериш ёки ёзма тавсия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

3. Ёзма тавсия берилган талабгорлар дастлабки шартномаларни тузиш учун инжиниринг компанияси филиалига мурожаат қилади.

2020 йил дастурлари доирасида уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантлари учун ипотека кредитларини ажратиш бўйича:

- имтиёзли давр – 1 йил;
- кредитдан фойдаланишнинг биринчи 5 йили давомида ҳар йили фоиз ставкасини қатъий белгиланган 7 фоиздан қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача бир меъёрда ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда қайта молиялаштириш ставкасида белгиланади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон фармонида уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига 2020 йилда уй-жойлар қурилиши бўйича давлат дастурларининг ижроси доирасида кўп квартирали уйлардан 3 462 та Самарқандда 450 та хонадон ажратилиши белгиланган.

Абдуазиз ҲАФИЗОВ,
Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вилоят филиали директори.

САЛОМАТ БЎЛИНГ!

Саратонни енгиш мумкин

Раъно ҳам бошқа дарддошлари сингари бу хабарни эшитганда аввалига ишонмади. Йўғ-э, бўлиши мумкинмас, дея хавотир билан шифокор ҳузурига қайта борди. Лекин таҳлиллар бу ишончсизликни чиппакка чиқарди, унда кўкрак бези саратони хасталиги аниқланганди.

«Қандай қилиб у бу хасталикка чалиниши мумкин? Ахир бор-йўғи кичик бир оғриқ билан дўхтирга мурожаат қилганди. Наҳотки, шундай даҳшатли хасталик унинг танасида танда қуриб олган бўлса? Кучли оғриқ бўлмаса, ҳеч қаери безовта қилмаса?» Ич-ичидан шундай қаршиликлар билан шифокорларга учрай бошлади. Ҳаммасининг жавоби битта: «Даволаш ишларини кимётерапиядан бошлаймиз. Бир неча марта бу муолажани олганингиздан кейин операция қилиш керак ё керакмаслиги аниқ бўлади».

Биринчи марта кимётерапияни олгач, бутун аъзои бадани қақшаб, дунё кўзига қоронғи кўрина бошлади, кўнглини аллақандай ғалаён чулғаб олди. Шифохонадаги аёллар билан суҳбатлашди, шифокорларнинг далдаси унга ишонч берар, аммо барибир ич-ичидан бунга кўника олмас, гўё анча олисда бўлган хасталик келиб-келиб унга дахл қилиши мумкин эмасдай. Кимётерапиядан кейинги оғриқлар азобли эди, ҳар кунни катта бардош билан ўтказар, қизалоғига, яқинларига изтиробини, кўз ёшларини кўрсатмасликка уринарди.

Кейинги босқич – жарроҳлик. Буни эшитиб, аъзои бадани музлаб кетди. «Наҳотки танасининг бир аъзосини осонгина кесиб ташлашади, ахир бу даҳшат-ку!» Касалликни енгишданам кўра, бу хабарнинг мазмуни билан чиқишиш оғирроқ кечди.

Яна ўша, бир неча марта кимётерапия олган шифохона - республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалига борди. Ўтган галги муолажаларда томирларидан дорилар қуйилган эди, холос. Тўғри, у дориларнинг таъсиридан сочлари тўкилиб кетди, бутун вужуди азобда қолди, аммо шу билан шифо топиб кетаман деган умид бор эди. Энди танасининг бир қисми олиб ташланса, аёллик кўрк-тароватидан мосуво бўладими у… Жарроҳ унинг ҳолатини дарҳол пайқади.

- Сиз учун келажакда соғлом яшаб, қизингизнинг бахтини кўриб юриш муҳимми ёки олиб ташланмаса, умрингиз қисқаришига сабаб бўлувчи тана аъзосими, - дея Раънони кўздан кечираётган шифокор Камол Раҳмоновнинг сўзлари уни бирдан ўзига келтирди. – Сизнинг омадингиз – вақтида шифокорга учраганингиз. Минг афсуски, кўпчилик анча пайтгача саратон касали унда мавжудлигини тан олмайди, аммо охир-оқибат оғир аҳволда шифохонага келишга мажбур бўлади. Кўпчилик табибларга ишонади, анча пайтгача уларнинг муолажасини олади, аммо вақт ўтказади, холос. Вақтида мурожаат қилганингиз учун сизда тузалиш фоизлари анча юқори.

Шифокорнинг ишонч билан гапириши, далдаси ва бошқа ҳаётий мисоллари Раънонинг қарашларини ўзгартириб юборди. У операцияга руҳан тайёр бўлиб келди. Ҳар жойдан эшитганлари, шифокорлар, касалхоналар ҳақида салбий фикрлар асло тасдиғини топмади. Аксинча, шифокорлар Лутфилло Ёров, Соҳиб Узоқов, Мавлуда Раббимоваларнинг сергак туриб, мунтазам хабар олиши, ҳамширалар Нилуфар Нуриддинова, Фарида Неъматова, Дилноза Ғаниеванинг меҳрибонлигию, ҳатто бўлим бекаси Гулбаҳор опанинг хушмуомалалиги, астойдил муносабатидан оғриқлар босилди, кўнглидаги ғашлик тарқаб, тузалиб кетишига ишончи ортди.

Бугун у уйига қайтиб, шуларни хаёлидан ўтказар экан, қўли енгил ва меҳрибон тиббиёт ходимлари жамоасига рўбарў қилганига, кўнглидаги шубҳага ишониб, соғлиғидан воз кечишига йўл қўймаганига шукур қилди. Азоблар ортда… Олдинда эса бахтли ҳаёт. Қизалоғи бахтини, камолга етишини кўриб яшаш олдинда.

Гулнора ХОЛДОРОВА.

Комил ОҚИЛОВ

Бутун фаолиятини тарих илмига бағишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори, профессор Комил Оқилов 92 ёшида оламдан ўтди.

Комил Оқилов 1928 йилда Ҳожи Аҳрор Вали даҳасида камол топди. Унинг ёшлик ва ўсмирлик даври қийинчилик йилларига тўғри келган. 1941-1945 йилларда у мактабда ўқиш билан фронт ортига ва оиласига ёрдам бериш мақсадида қишлоқдаги «Қизил обод» жамоа хўжалигида ўзи ташкил қилган ёшлар бригадасига бошчилик қилди. Ўрта мактабни битиргач, 1944 йилда Ўзбекистон давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олди. Ўқишни муваффақиятли битирган бўлғуси олим ўша йили Москвадаги собиқ иттифоқ Фанлар академияси Шарқшунослик институтига қабул қилинади. 1953 йилда изланишлари натижаси ўлароқ тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациясини ҳимоя қилади.

Домланинг ярим асрдан кўпроқ илмий фаолияти 1957 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти билан боғлиқ бўлди. Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хива шаҳарларининг ХХ асрдаги маданий ҳаёти, тарихини тадқиқ қилиб китоблар яратди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Ватан тарихи кафедраси профессори сифатида магистратура талабаларига ихтисослик фанларидан бир неча йил дарс берди ва «Ўзбекистон халқлари маданий тарихи» бўйича фан дастурлари, маърузалар тўплами яратди.

К.Оқилов бундан ташқари ҳамкасблари ва тадқиқотчилар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Ўзбекистон мустамлакачилик даврида», «Ўзбекистоннинг янги тарихи», «Ўзбекистон тараққиётининг ғояси асослари», умумий ўрта таълим мактаблари учун Ўзбекистон тарихи бўйича ўқув дастурлари тайёрлади. Олим шу билан бирга кўпгина халқаро анжуманларда ўзининг долзарб маърузалари билан иштирок этди. Унинг раҳбарлигида кўплаб ёшлар номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилганди.

Иқтидорли олим, фан фидойиси, жонкуяр устоз ва мураббий Комил Оқиловнинг хотираси қалбимизда абадий яшайди.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ, ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ ЖАМОАЛАРИ.

Хотиржамликда ейилган ёвғон умоч

ғам-ғуссада ейилган ошдан яхшироқдир

Соғлом, узоқ умр кўриш омиллари ҳақида панд-насиҳатлар, маълумотлар, тавсиялар жуда кўп. Эътиборли томони, руҳшунослар ҳам, шифокорлар ҳам, файласуфлар ҳам ўз қарашлари, изланишлари натижаларига кўра бу мавзуга оид турли тавсияларни беришади. Уларнинг қайси бирига ишониш керак? Соғлиқдай бебаҳо неъматни асрашнинг омиллари нималарда кўринади?

- Аслида инсоннинг узоқ вақт саломат яшашининг асосий сири ўзига эътиборли бўлиши, меҳр ва эҳтиёткорлигидадир, - дейди каттақўрғонлик олий тоифали шифокор Дилрабо Нуруллаева. – Яъни, жисмимиз ва руҳимизни ташқи ва ички таъсирлардан сақлашимиз даркор. Негаки, руҳ синиқса, кўнгил хиралашса тана заифлашиб, касалликка чалинади. Мисол учун, қандли диабетнинг келиб чиқиши кучли руҳий ҳолат, қўрқув, қайғу туфайли рўй берса, ошқозон яраси оғир кечинмалар оқибатда пайдо бўларкан. Моддалар алмашинувининг бузилишига нотўғри овқатланиш сабаб. Умуман, овқатланишда йўл қўйиладиган хатолар ҳам касалликларнинг авж олишига олиб келади. Жаҳл чиққанда, руҳий изтироб чекканда ёки тананинг бирор жойи оғриганда ейилган таом яхши ҳазм бўлмас экан. Қаттиқ чарчаганда истеъмол қилинган овқат ҳам ошқозон фаолиятининг бузилишига олиб келиши мукин. Шу боис Шарқ табобати донишмандлари хотиржамликда ейилган ёвғон умоч ғам-ғуссада ейилган ошдан яхшироқдир, дейишган.

Яна инсон саломатлиги учун муҳим омил тозалик, тўғри фикрлаш, вужуднинг пок бўлишидир. Инсон ўзгаларни ҳам ўзини севгандай севиши, уларнинг бахтли бўлишига ёрдам бериши, атрофни ўзгалар миннатдорчилиги туйғуси билан ўраб олиши керак.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АТ Халқ банки Самарқанд вилояти Булунғур филиали биносининг том қисми ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун қурилиш корхоналари ўртасида танлов эълон қилинади.

Объект номланиши: Самарқанд вилояти Булунғур филиали биносининг том қисми ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш;

Лойиҳа қиймати: ҚҚС билан – 65 347 057 сўм, ҚҚСсиз – 56 823 528 сўм;

Ишни бажариш муддати: 30 кун;

Молиялаштириш манбаси: Халқ банкининг ўз маблағлари;

Танлов комиссияси ишчи органи манзили: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уй;

Мурожаат учун: Х.Сайидов, телефон: 66-237-86-07;

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: Танловда талаб қилинаётган шартлар асосида мазкур ишларни, товарларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган маҳаллий ва чет эл юридик шахслари иштирок этишлари мумкин;

Танлов билан боғлиқ ҳужжатлар: порталга жойлаштирилган (https://exarid.uzex.uz/ru/competitive/lot/9066751);

Таклифларни тақдим қилиш муддатининг охирги санаси ва вақти: 2020 йил 22 февраль, соат 17:00 гача.

Танлов таклифларини расмийлаштириш бўйича талаблар:

- танлов иштирокчиси биттадан танлов таклифини тақдим қилиши мумкин;

- тижорат таклифи ёпиқ конвертда, елимланган жойлари муҳрланган ҳолда тақдим қилиниши шарт;

- танлов таклифларидаги барча ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида таёрланган бўлиши шарт;

- танлов таклифлари қабул қилинадиган манзил: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уй. Халқ банки Самарқанд вилоят филиали.

Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уйда, 2020 йил 25 февраль куни соат 12:00 да.

АТ Халқ банки Самарқанд вилояти Челак филиалининг касса тармоғига киришида айвон қуриш учун қурилиш корхоналари ўртасида танлов эълон қилинади.

Объект номланиши: Самарқанд вилояти Челак филиалининг касса тармоғига киришида айвон қуриш;

Лойиҳа қиймати: ҚҚС билан – 16 058 325 сўм, ҚҚСсиз – 13 963 761 сўм;

Ишни бажариш муддати: 30 кун;

Молиялаштириш манбаси: Халқ банкнинг ўз маблағлари;

Танлов комиссияси ишчи органи манзили: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уй;

Мурожаат учун: Х.Сайидов, телефон: 66-237-86-07;

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: Танловда талаб қилинаётган шартлар асосида мазкур ишларни, товарларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган маҳаллий ва чет эл юридик шахслари иштирок этишлари мумкин;

Танлов билан боғлиқ ҳужжатлар: порталга жойлаштирилган (https://exarid.uzex.uz/ru/competitive/lot/9066754);

Таклифларни тақдим қилиш муддатининг охирги санаси ва вақти: 2020 йил 22 февраль, соат 17:00 гача.

Танлов таклифларини расмийлаштириш бўйича талаблар:

- танлов иштирокчиси биттадан танлов таклифини тақдим қилиши мумкин;

- тижорат таклифи ёпиқ конвертда, елимланган жойлари муҳрланган ҳолда тақдим қилиниши шарт;

- танлов таклифларидаги барча ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида таёрланган бўлиши шарт;

- танлов таклифлари қабул қилинадиган манзил: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уй. Халқ банки Самарқанд вилоят филиали.

Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уйда 2020 йил 25 февраль куни соат 12:30 да.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИДА ТЕХНИК ЎЗИЛИШЛАР БЎЛАДИ

«Ўзбектелеком» АК Самарқанд филиали шаҳар телекоммуникация боғламасига янги замонавий (MSAN) қурилмалари ўрнатилиши сабабли 2020 йил 17 февралдан 2020 йил 1 майгача муддатга Самарқанд шаҳрининг Кўксарой майдони, Абу Бакр Розий, Али Қушчи, Тараққиёт (Ф.Хўжаев), Миршаропов, Маҳтумқули (Лазо), М.Нодирабегим (Бусигина), Найман (Мичурина), Абдурауф Фитрат (Папанина), Буюк Ипак йўли, Амир Темур, Аравасозлар, Рудакий, Панжакент, Имом Бухорий, Регистон, Сўзангарон, Муборак, Шоҳи Зинда, Қўшҳовуз, Абдураҳмон Жомий, Шарқ, Хўжа Ҳошим (Умаров), Термиз, Мерв, Андижон, Абдулла Қаҳҳор, Мирзо Улуғбек, Орзу Маҳмудов, Мустақиллик, Маҳмуд Кошғарий, Курчатов, Бўстонсарой, Фирдавсий, Ҳусайн Бойқаро, Шоҳрух, Исаев, Огаҳий, Анҳор, Муллақандов, Ўзбекистон, Мир Саид Барака, Фурқат, Гагарин, Ал-Хоразмий, Шота Руставели, М.Зебинисо (Навоий шоҳ), Маҳмуд Замахшарий (Помирская) Лоҳутий кўчаларида вақтинча телекоммуникация хизматларида (телефон, интернет, IPTV) техник ўзилишлар бўлишини маълум қилади.

Ноқулайликлар учун олдиндан узр сўраймиз.

Қўшимча маълумотлар учун 66-234-04-04, 233-36-01 ва 234-33-10 рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Ургут туманидаги «NUROBOD BIZNES SERVIS» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 302153924) «AL-XAKIM» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 203640921) билан бирлаштирилмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут тумани Наврўз маҳалласи, Почвон кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Валиев Мухтар Назаровичга (1985 йил 25 декабрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасида марҳум Хайдаров Рабимга (1996 йил 12 майда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.

* * *

Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Халилов Шухрат Давлатовичга (2019 йил 27 июнда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Пайариқ шаҳарчаси, Чўлпон кўчаси.

* * *

Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Кулматов Абдумажит Нодировичга (2019 йил 27 июнда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Пайариқ шаҳарчаси, Чўлпон кўчаси.

* * *

Паст Дарғом туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Хушваков Мурадулла Хушваковича (2014 йил 31 майда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Паст Дарғом туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳри, Нодирабегим кўчаси.

* * *

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Жобборов Ҳайдорга (1999 йил 23 мартда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тойлоқ туманидаги 50-ўрта мактабдан 1996 йилда Алибоева (ҳозирда Абдуалимова) Раъно Мамараимовна номига берилган UZA № 025769 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 45-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Раҳматов Зокир Санъатович номига берилган U № 3088837 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги «FORWARD TO INTO» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 303329575) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туман ҳокимининг 2019 йил 6 майда Қабилова Мамура Юлдашевна номига Ургут тумани Қоратепа маҳалласида жойлашган турар-жой биноси учун чиқарилган 2488-Қ-сонли қарорининг асл нусхаси ва шу уйнинг Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Ургут туман филиалидан берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтидан 2010 йилда Норматова Фотима Исмаиловна номига берилган рўйхат рақами 246, В № 504618 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «AFROSIYOB STROY BUILDING» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР:305443924) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нуробод саноат касб-ҳунар коллежидан 2018 йилда Муеднов Шоҳзод Шароф ўғли номига берилган рўйхат рақами 1150, К № 5129145 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги «OCHILOV IXTIYOR DILMUROTOVICH» якка тартибдаги тадбиркорининг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги «AKOBIR LOCHINBEK» фермер хўжалигининг (СТИР: 305223177) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 80-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Хўжаева (ҳозирда Жалилова) Гулчехра Турабековна номига берилган U № 1138269 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Исмаилова Азиза Очил қизи номига берилган рўйхат рақами 520, К № 5591736 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 84-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Рахмонқулов Сирожиддин Мавлонқулович номига берилган O'R-SH № 0834590 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 84-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Ғаниева Сабина Абдурауф қизи номига берилган O'R-SH № 0962915 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2012 йилда Насридинов Аваэбек Абдурайимович номига берилган рўйхат рақами 7066, К № 2534603 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 10-ўрта мактабдан (ҳозирги Самарқанд шаҳридаги 62-умумий ўрта таълим мактаби) 1996 йилда Мардонов Икром Самаридинович номига берилган UZI № 398713 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳар собиқ 2-техник иқтисодий лицейидан 2006 йилда Одилов Ориф Бахтиёрович номига берилган O'R-SH № 0347513 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Мулоҳаза учун мавзу

Томорқаси бор одам камбағал бўлмаслиги керак

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида аҳолининг камбағал қатлами тўғрисида алоҳида тўхталиб, ушбу муаммони ҳал этишнинг долзарб масала эканлигини уқтирди ва қатор таклиф, тавсиялар берди.

"Камбағал" деган сўз форсча бўлиб, оғуши, қучоғи тор деган маънони англатади ва улар аҳолининг рўзғор эҳтиёжлари етарлича таъминланмаган, камдаромад қатламига киради. Камбағаллик сабаблари одатда қуйидагилардан иборат: ишлаш имконияти бўлмаган, ногиронлиги бор одамлар, қаровчисини йўқотган оилалар, ишлаш имконияти бор-у, лекин ишламайдиган, ўзгалар мададига таяниб қолган танбал, ишёқмас, ноқобил кишилар.

Улардан биринчи ва иккинчи гуруҳдаги оилаларга турли йўллар билан ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш давлат ва жамоат ташкилотларининг, маҳалла аҳли ва ҳомийларнинг эзгу, савоб ишлари ҳисобланади. Аммо учинчи гуруҳдаги тоифа билан маърифий-тарбиявий, керак бўлса, маъмурий воситалар орқали иш олиб бориш тақозо этилади. Шундай экан, халқимиз турмушининг азалий-анъанавий ҳомийси бўлган томорқадан унумли фойдаланишни ташкил этиш кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали йўлидир.

Томорқа том маънода туганмас хазина. Уни агрономия илмининг дастлабки кашфиёти дейиш мумкин. Томорқа инсон турмушининг моддий таянчи бўлиш билан бирга, маънавий юксалиш омили ҳамдир. Томорқанинг туҳфалари эса ҳисобсиз. Масалан, рўзғорингизни сифатли озиқ-овқат ва мева-сабзавот билан таъминлайди. Эҳтиёждан ортганини бозорга чиқариб оилангизнинг молиявий аҳволини яхшилайсиз. Томорқадан олинадиган ем-хашаклар билан чорва молларингизни боқасиз.

Дов-дарахтларингизни янгилаб бориш асносида улардан рўзғор буюмлари ясашингиз мумкин. Бир қисмидан эса ўтин сифатида фойдаланасиз. Томорқани маънавий омил ҳам дедик. Деҳқончилигингиз билан хотиржам, кўнглингиз тўқ юрасиз.

Муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, томорқа сизни тартиб-интизомли бўлишга ўргатади. Мунтазам меҳнат билан банд бўласиз, фойдали фаолият қиласиз. "Баҳорнинг бир куни йилни боқади", "Асад – экинингни ясат", "Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда" каби мақоллар бежиз вужудга келмаган. Томорқадаги полиз экинлари, сабзавот маҳсулотлари, мева-чевалар ўзига хос микроэкологик муҳит вужудга келтирадики, ундан тан-жонинг яйраб, завқ-шавқ ҳиссига тўласан, яйраб, ором оласан киши. Фарзандларини болалигидан меҳнатга ўргатиб бориш билан уларда она заминга, умуман, деҳқончилик илмига ҳавас ва эътиқод пайдо қилишнинг асосларини яратиш ҳам томорқа меҳнати орқали амалга оширилади.

Бугун томорқасида астойдил меҳнат қилган, уни иштиёқ билан яшнатган одам камбағал бўлмайди. Сиз нима дейсиз?

Нуриддин БОБОҚАНДОВ.

Сафар ТУРОН (Сафар Туранов) – Каттақўрғон туманида туғилган. Изланувчан ижодкор. Бугунгача шоирнинг "Сочларингга суяндим", "Мен севган аёл", "Нега сендан кечиб бўлмайди?" каби китоблари китобхонларнинг жавонидан жой олган. Қуйида ижодкор шеърларидан намуналар ўқийсиз.

Ватан бизга ягона

Осмон чоки очиқдир,
Бағри кенгга ўхшайди.
Ундан юлдуз уйлари
Чақирсам ҳам тушмайди.

Қуёш нур сочар текин,
Меҳр сўрайди, лекин.
Севги азоби дилда
Ўсаркан аста-секин.

Куйдирмаса бағримни,
Бирор жойим оғримми?
Бунчалар улкан экан
Анов тоғми ё қирми?

Бугун осмон булутли,
Келсам нима қилибди.
Менинг бағрим бепоён,
Сарҳадлари серўтли.

Шундай қурилган дунё,
Кейин дейсан: «Ажабо!»
Қаршимда пайдо бўлдинг,
Ердан чиққандек гўё.

Ватан бизга ягона,
Ҳар бир тоши дурдона.
Дўстлар, севиб-асрасак,
Дахл қилмас бегона.

Ошиқлик

Мени йироқлардан излама зинҳор,
Шундоқ ёнингдаман, юрагим туташ.
Орзуларим мўлдир бахтга дахлдор,
Нигоҳларинг оташ, сўзларинг оташ.

Кунларнинг ортидан ўтмоқда тунлар,
Сину сиёғимдан ёғилар қувват.
Висол масофаси олис нақадар,
Омад, энди сен ҳам борлигинг кўрсат.

Йўлингга кипригим тўшагим келар,
Дарё юракларга бўлсин у кўприк.
Сенинг киприкларинг бағримни тилар,
Майли, нима қилса қилсин шу киприк.

Эга излагандай бўлар қабоғинг,
Бешиктебратардек турибман титраб.
Керак шу қабоққа эга бўлмоғим,
Кетса-да энг майда томирлар ситраб.

Менинг учмоғимни истарсан, балки,
Баланддан кўрмоқлик учун келбатим.
Ошиқлик ҳолати шундай бир ҳолки,
Ҳижрони тоғ унинг, васли – бир қатим.

Муҳаббат фаслининг тимсоли тушлар,
Қоғозлар қуш бўлар, қоялар тулпор.
Бу мавсум болалик чоғларга ўхшар,
Ажойиб, ғаройиб ҳунарлари бор.

Турмуш деганлари

Умрим ўтаётир тушдек, соядек,
Яшайман меҳрга вафога интиқ.
Кўринаман гўё улкан қоядек,
Одамнинг бардоши бўларкан қаттиқ.

Қарашмас қуриган бўлса у дарахт,
Қуриган бўлса ҳам ёғочи бордир.
Шуни ўйлайвериб ҳисларим карахт,
Яшнаган дарахтга доим баҳордир.

Оғрий бошлаяпти тишларим ўрни,
Тепамда ҳамсоя турибди қотиб.
Оғриқ йиқитади ҳатто энг зўрни,
Ухлатмас пар ёстиқ бошимга ботиб...

Орқамдан эргашар лаънати ҳадик,
Ҳатто туйнукданам келади кириб.
Кўз ўнгимда турар қиммат нарсадек,
Турмуш деганлари экан-ку фириб.

Нима бўлса бўлди энди бу ёғи,
Ҳисоб-китоб даври етиб келибди.
Турмушнинг бўлмаскан ёғи, қаймоғи,
Бундай эканлигин ким ҳам билибди.

Судьялар дарс ўтди

Январь ойи – тарих ва ҳуқуқ фанлари ойлиги муносабати билан Каттақўрғон туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабига Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди судьяси Руфат Бегимов, туман маъмурий суди раиси Санжар Солиев, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман суди раиси Темур Алмаматов, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг раиси Камол Намозов ташриф буюрди.

Судьялар юқори синф ўқувчиларига дарс ўтиб, унда Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда суд тизимидаги ислоҳотлар ҳақида ўқувчиларга сўзлаб бердилар.

Комил ТУЙҒУНОВ,
мактабнинг ҳуқуқ фани ўқитувчиси.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

17 февраль

Акмал ОРТИҚОВ – 1935 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Физика-математика фанлари доктори.

Актам ХОЛМАНОВ – 1964 йилда Паст Дарғом туманида туғилган. Физика-математика фанлари доктори, профессор.

18 февраль

Ўктам АРИПОВ – 1950 йилда Иштихон туманида туғилган. Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Реклама

«Трастбанк» сифатли хизмат, ишонч ва даромад

TRASTBANK

Банк-молия тизимида ислоҳотлар самарасида тижорат банклари аҳоли, айниқса, ишбилармонларнинг яқин ҳамкори ва кўмакчисига айланди. Молия муассасаларининг маблағларидан самарали фойдаланган тадбиркорлар эса ўз фаолиятини изчил йўлга қўйиб, юртимиз фаровонлигини ошириш ва ҳудудларимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Албатта, буларнинг барчаси аҳолининг банкларга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки Самарқанд филиали ҳам ишбилармонлар ишончини оқлаб «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойилига амал қилган ҳолда тадбиркорларга самарали банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Молия муассасаси замонавий банк технологиялари, самарали таваккалчилик менежменти тизими, хусусан, хизмат кўрсатишнинг юқори сифат даражасига асосланган барқарор бизнес фаолиятини йўлга қўйди. Бунда, авваламбор, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида банк тизими олдига қўйилган устувор вазифалар мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, юртимизда 2020 йил – "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилиниши ҳам молия муассасаларида замонавий банк хизматларини йўлга қўйиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишни тақозо этмоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бугунги кунда филиал томонидан юридик ва жисмоний шахсларга барча банк операцияларини амалга оширишлари учун имкониятлар яратилган. Жумладан, мижозлар миллий ва хорижий валютада ҳисоб рақамлар очиши, ҳисоб-китоб ва касса хизматларидан фойдаланишлари

мумкин. Ҳозирда филиал таркибидаги 8 та банк хизматлари кўрсатиш марказлари орқали мижозларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ҳозирги тараққиёт даврида банк фаолиятини самарали ташкил этиш замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятига бевосита боғлиқ. Шу боис, «Трастбанк»ХАБнинг Самарқанд филиали жамоаси ҳам замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда уларнинг турини кўпайтириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширишга эътибор қаратмоқда. Хусусан, молия муассасасида «Интернет-банкинг», «SMS-банкинг», «Банк мижоз» каби масофавий банк хизматлари йўлга қўйилган. «Интернет-банкинг» хизмати мижозга ўзининг банкдаги ҳисобини дунёнинг исталган жойидан интернет тармоғи орқали бошқариш имконини беради. «SMS-банкинг» тизимидан фойдаланувчилар эса ўз ҳисобварақларининг ҳолати тўғрисида мобиль алоқа воситасида доимий маълумотга эга бўлишлари мумкин.

- Молия муассасамизда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида турли хилдаги миллий ва хорижий валютадаги янги омонат турлари жорий қилинмоқда, - дейди «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки Самарқанд филиали бошқарувчиси Алишер Мусаев. - Жумладан, миллий валютада муддатли "Имкон-3" (йиллик 14 фоиз), "Имкон-6" (йиллик 15 фоиз), "Имкон-12" (йиллик 16 фоиз), "Фаровон" (йиллик 18 фоиз), "Ишонч" (йиллик 20 фоиз) омонатлари ташкил этилди. Шунингдек, «Trustpay» мобиль иловаси орқали жорий этилган "Online Kelajak" (йиллик 16 фоиз), "Online Farovon" (йиллик 18 фоиз), "Online Ishonch" (йиллик 20 фоиз) омонатлари мавжуд. Ушбу мобиль илова орқали мижозларнинг банкка жамғарма қўйиш ва барча турдаги тўловларини ҳам амалга ошириш имконияти яратилган. Айниқса, аҳолига қулайлик томони ўз мобиль алоқа воситалари орқали ушбу иловадан фойдаланган ҳолда хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш бўйича операцияларни амалга оширишлари ҳамда банкка қўйган омонатлари ҳақида барча маълумотларни билишлари мумкин.

Бундан ташқари, аҳолининг таклиф ва талаби ўрганилиб, банк томонидан хорижий валютада муддатли "Элита" (йиллик 6 фоиз) омонати ҳам жорий қилинган.

2018 йил 23 мартда Президентимизнинг "Банк хизматлари оммаболлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Қарорда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилиш, замонавий ахборот технологиялари асосида банк хизматлари кўрсатишни жорий этиш, электрон тижоратни йўлга қўйиш ҳамда электрон тўловлар тизими орқали ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш борасида вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб филиалимизда ҳам инновацион ахборот технологияларини кенг жорий этишга эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, мижозларга кўрсатиладиган банк хизматлари сифатини ошириш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда куннинг исталган вақтида, ҳафтанинг 7 куни 24 соат давомида узлуксиз ишловчи, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи электрон тизим йўлга қўйилган. Бу ускуналардан фойдаланиш осон ва қулай бўлиб, мижоз ва касса ходими ўртасидаги муомалага чек қўйиб, ўзига хос мини банк-офис вазифасини бажаради. Бундай банкоматлардан мижоз нафақат нақд пул олиши, балки улар орқали товар ва хизматлар бўйича турли тўловларни амалга ошириши, коммунал тўловлар тўлаши, кредит бўйича қарздорликни сўндириши ҳамда пластик карта ёрдамида амалга оширилиши кўзда тутилган барча турдаги банк хизматларини мустақил бажариши мумкин.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги фуқаролар ва бу жараёндаги кредит олиш билан боғлиқ саволларга жавоб олишлари учун филиалимизда **(66) 237-72-46 рақамли «Ишонч телефони»** ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида мамлакатда фаолият юритаётган барча турдаги молия муассасалари ҳам ўз фаолиятларида янги босқични бошламоқда. «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг Самарқанд филиали ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ўсиш ва ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишига кенг имкониятлар яратиш, ишбилармонларга молиявий мадад беришнинг янги турларини жорий этиш банк филиалининг бош мақсадидир.

БАНК АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

Хизматлар лицензияланган.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: *халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги*

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 329 нусхада чоп этилди. Буюртма 120

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Нашир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи: Ё.МАРҚАЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009